<b>Кўшимча карта</b>	Мижозга карта берилгандан кейин чиқарилган ва Мижознинг яқин қариндоши ёки дўсти бўлган мижознинг ёки Карта сақловчининг маълумотлари реквизитларда мавжуд бўлган Мижознинг карта ҳисоб рақамига бириктирилган карта.

<b>Карта ҳисоб рақами</b>	Мижознинг банк ҳисобварағи, жумладан масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқариладиган жисмоний шахснинг банк ҳисоб рақами булиб, ундаги тадбиркорлик фаолияти ёки хусусий амалиёт билан боғлиқ бўлмаган операциялар бўйича пул маблағларини тасарруф этиш, ҳам карта/карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда, ҳам улардан фойдаланмасдан амалга оширилиши мумкин. Карта ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотлар Процессинг марказида акс эттирилади
<b>Мижоз</b>	Номига карта ҳисоби очилган ва Карта чиқарилган Резидент ёки Норезидент.
<b>Калит сўз</b>	Банк томонидан Карта сақловчисини унинг телефон орқали карта ҳисоб рақами, Карта ва карта операциялари ҳақида маълумот олиш учун мурожаат қилганда, масофадан аниқлаш учун фойдаланиладиган, Мижоз томонидан Карта ҳисоб рақамини очиш ва картани чиқариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган сўз, рақамлар ёки харф-рақамлар кетма-кетлиги.
<b>Процессинг маркази</b>	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, улар билан банк тегишли шартнома муносабатларига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган ва банклар учун, шу жумладан, банклар карталарини чиқариш ва сотиб олиш бўйича хизматлар мажмуасини таъминлайди, шунингдек, тўлов провайдери вазифасини бажарадиган бошқа тизимларда (HUMO, UZCARD) ХТТда процессор функцияларини амалга оширади.
<b>ХТТ</b>	Халқаро тўлов тизими (масалан, Visa International, MasterCard, UnionPay ва бошқалар) банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг халқаро ассоциацияси бўлиб, халқаро тўлов тизими иштирокчилари ўртасида ягона ҳисоб-китоб қоидаларини белгиловчи карта дастурлари, маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди.
<b>Пасайтирилмайдиган қолдиқ</b>	Карта ҳисобидаги пул маблағлари миқдори банк тарифлари билан белгиланади, бу картадаги қолдиқдан фойдаланиш мумкин эмас, яъни фаол қолдиқ суммасига киритилмаган. Пасайтирилмайдиган қолдиқ банк томонидан карта бўйича операциялар фаол қолдиқ суммасидан юқори бўлган қарзни тўлаш учун ишлатилади. Пасайтирилмайдиган қолдиқ маблағларидан фойдаланган ҳолда, уни тиклаш карта ҳисобини навбатдаги тўлдиришда миждонинг карта ҳисобига киритиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.
<b>Авторизациядан ўтказиш</b>	Карта бўйича операцияларни амалга ошириш учун Процессинг марказидан телефон, электрон ёки бошқа алоқа орқали рухсат олиш тартиби ишлатилаётган технологияга мувофиқ амалга оширилади.
<b>Эмитент</b>	Карталар эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган ва уларнинг эгалари ва эквайерлари томонидан банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятларни зиммасига олган банк.
<b>Эквайер</b>	ССК билан транзакциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга

	оширувчи, шунингдек карта эгасига ўз бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк.
<b>ССК (савдо-сервис корхонаси)</b>	Товарлар ёки хизматларни карталар орқали эквайер билан тузилган шартнома асосида сотувчи хўжалик юритувчи субъект (юримдик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юримдик шахс ёки жисмоний шахс), бўйича сотишни амалга оширади.
<b>POS-терминал</b>	ССКнинг товар ёки хизматлари учун карталар бўйича тўловларни қабул қилувчи ва процессинг маркази билан реал вақт режимида амалга оширилган битимлар бўйича слипларни шакллантирувчи электрон қурилма.
<b>Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали</b>	Хизматларга ҳақ тўлаш учун нақд пул маблағларини қабул қилиш функцияси (Инфокиоск) ҳамда карта эгаси томонидан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида нақд пул олиш функцияси (АТМ) билан жиҳозланган хизматлар учун карталар бўйича тўловларни қабул қилишнинг электрон қурилмаси.
<b>CVV2</b>	Карта эгаси томонидан интернет орқали транзакцияларни тасдиқлаш учун ишлатиладиган, картанинг орқа томонида кўрсатилган уч хонали рақам. Карта эгаси CVV2 рақамини учинчи шахслардан яширинча сақлаб қолиш учун чоралар кўриши зарур.
<b>Слип</b>	Банк картаси орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи, операциянинг миқдори, тури, амалга оширилган санаси тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу слипни шакллантирган банк картаси ҳамда терминал ёки банкоматни тўғри аниқлай билиш имкониятини берувчи ахборотни ўзида мужассамлаштирган терминал ёки банкомат қвитанцияси.
<b>Транзакция</b>	Товар ёки хизматларни тўлаш учун карта орқали амалга ошириладиган тўлов, тўловларнинг қайтарилиши, Карта ҳисобрақамига кирим ва чиқимлар, карта балансини текшириш ва Карта тарихини кўриш каби карта бўйича инфоримацион хизматлар. Транзакцияни тасдиқлаш карта эгаси томонидан ПИН-код ёрдамида ёки усиз амалга оширилади.
<b>ПИН-код</b>	Карта ҳисоб рақамида ҳисобга олинадиган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи, шунингдек Картада сақланаётган маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чекловчи шахсий идентификация рақами. ПИН коди махфий ахборот ҳисобланади ва у сир сақланиши керак. ПИН-коднинг хавфсизлиги учун Карта сақловчи жавобгар ҳисобланади.
<b>Тўлов қайтарилиши</b>	Карта Эгасининг карта бўйича харид қилинган товарлар ёки хизматлардан воз кечиши, СККтомонидан тасдиқланган ва карта эгасининг карта ҳисобига ўтказиш учун банк томонидан белгиланган шаклда амалга оширилиши натижасида пул маблағларининг қайтарилиши. Тўлов қайтарилиши нақд шаклда амалга оширилиши мумкин эмас.
<b>Стоп лист</b>	Картани йўқотиш (ўғирлатиш ва ҳ.к.) туфайли Карта сақловчининг расмий мурожаатидан кейин банк томонидан тақиқланган карталар рўйхати. Карта сақловчи банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ картани стоп листга қўйиш учун ариза беради.
<b>Банк тарифлари</b>	Карта билан транзакцияларни амалга оширишда Карта сақловчи томонидан банк фойдасига тўланадиган комиссион тўлов.

<b>Банк йўриқномалари</b>	«Octobank» АЖнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қоидалари, Карта токенидан фойдаланиш қоидалари ва бошқа Банк ҳужжатлари, карта ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва жараёнларини тавсифлаб беради, унга мувофиқ банк Мижозга картага хизмат кўрсатиш хизматларини кўрсатади. Банк йўриқномаларига риоя қилиш мижоз ва банк учун мажбурийдир. Банк йўриқномалари <a href="http://www.octobank.uz">www.octobank.uz</a> сайтида жойлаштирилади. Банк банк йўриқномаларини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга.
<b>Фаол қолдик</b>	Мижознинг Карта ҳисоб рақамида ҳисобга олинадиган пул маблағлари миқдори, унинг доирасида Мижоз карта/карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириши мумкин.

### 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Банк мижознинг картани чиқариш тугрисидаги аризаси асосида ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) иш куни ичида Карточка ҳисобварагини очади, картани ишлаб чиқаради ва карточка эгасига, шу жумладан картомадан фойдаланиш орқали, картани топширади. Бундай ҳолда, Карта эгаси шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Картанинг топширилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) резидент ҳисобланган Мижозларга:

- Банк биносида топшириш йўли билан;
- Мижоз кўрсатган жойга етказиш йўли билан;
- Картомат орқали бериш йўли билан;

б) Норезидент ҳисобланган Мижозларга:

- Банк биносида топшириш йўли билан.

- 3.2. Карта ва Карта ҳисоб рақамининг валютаси Мижоз томонидан картани чиқариш тўғрисидаги ариза асосида белгиланади.

- 3.3. ХТТ картаси банк томонидан 10 (ўн) иш куни мобайнида чиқарилади ва Мижозга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда муҳрланган ПИН-конвертда жойлашган ПИН-код билан бирга берилади.

- 3.4. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта сақловчига картанинг амал қилиш муддати давомида вақтинчалик фойдаланиш учун берилади. Картанинг амал қилиш муддати картада кўрсатилган ва 5 (беш) йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Карта тегишли йилнинг ойи охиригача амал қилади. Карта амал қилиш муддати тугагандан сўнг, шунингдек алмаштирилганда ёки Банк талабига биноан Банкка қайтарилиши керак.

- 3.5. Шартнома шартларига, Банк Йўриқномаларига, Валюта амалиётлари учун валюта қонунчилиги, шунингдек, Банклараро тўлов тизими (БТТ) қоидалари талабларига риоя этиш шarti билан қуйидаги амалиётлар бажариш учун фойдаланиш мумкин:

- 3.5.1. ҲУМО ва Узкард тизими карталари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СКК дан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шу билан бирга токендан фойдаланган ҳолда;

- 3.5.2. Visa и MasterCard карталари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида СКК дан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шу билан бирга токендан фойдаланган ҳолда;

- 3.5.3. Эквайер бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул олиш;

- 3.5.4. Картадан картага ўтказиш;

- 3.5.5. Карта ҳисоб рақамига пул маблағларини кириш қилиш;

- 3.5.6. Карта ҳисоб рақами бўйича маълумот олиш.

3.6.

3.6. Банк картани чиқариш, картани қайта чиқариш ва Карта ҳисоб рақамини очиш учун банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ ҳақ олади.

3.8. Банк операцияларни амалга ошириш учун Карта сақловчидан банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссия мукофотини олади.

3.9. Картани ёпиш Карта сақловчининг ёзма аризаси асосида ва ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

3.10. Банк Карта сақловчи томонидан Картани йўқолганлиги (ўғирланганлиги ва х.к.) тўғрисида Банкка ариза берган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида йўқолган (ўғирланган ва х. к.) картани алмаштиради.

3.11. Ушбу шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Карта ҳисоб рақами валютасида амалга оширилади.

3.12. Банк картасига эга бўлган Мижоз аризасига асосан Мижознинг ўзи ёки Мижознинг яқин қариндоши ёки дўсти бўлган Карта сақловчининг реквизитлари билан Банк тарифларига биноан комиссия олган ҳолда Қўшимча карталар чиқарилиши мумкин. Агар Мижоз томонидан Карта сақловчига Карта ҳисоб рақамини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган бўлса, Карта сақловчиси банкка паспорт ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этади.

3.13. Мижоз исталган вақтда Қўшимча картани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда, Мижоз Қўшимча карта амал қилишини тўхтатиш ва Қўшимча картани қайтариш талаби билан банкка тегишли ариза тақдим этиши шарт.

3.14. Қуйидаги ҳолларда картадан фойдаланиш мумкин эмас:

3.14.1. Картанинг амал қилиш муддати тугаганда;

3.14.2. Карта Карта сақловчининг талабига биноан ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда Банк ташаббуси билан блокланганда;

3.14.3. ПИН-кодни уч мартаба нотўғри киритиш сабабли Карта блокланганда;

3.14.4. Карта ташқи таъсирлардан зарар кўрганда.

3.15. Картага хизмат кўрсатиш учун банк амалдаги тарифларга мувофиқ комиссияларни ундиради. Бунда картанинг амал қилиш муддати муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, банк томонидан Картага хизмат кўрсатиш ва амалга оширилган операциялар учун олинган комиссия қайтарилмайди.

3.16. Тарифлар банк томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилиши мумкин, бу ҳақда мижозга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишидан камида 10 (ўн) календарь кун олдин хабар қилинади. Агар мижоз 10 (ўн) кун ичида тарифларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан рад этилмаса ёки эътироз билдирилмаса, ушбу ўзгаришлар мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Тарифларнинг ўзгариши ва тўлдирилганлиги тўғрисида Мижозга хабарнома қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.16.1. Ахборотни банкнинг [www.octobank.uz](http://www.octobank.uz) расмий веб-сайтида Интернет тармоғидаги манзилга жойлаштириш орқали;

3.16.2. Банк офисларида ахборот стендларида ахборот жойлаштириш орқали.

3.17. Карта йўқолиши, карта маълумотлари, ПИН-код ва/ёки карта/карта реквизитлари учинчи шахсларага ошкор бўлганда, Карта ноқонуний ишлатиш ҳолатларида, Карта ҳисоб рақамидаги операцияларни тўхтатиб туриш учун Мижоз / Карта сақловчиси:

3.17.1. Бу ҳақда дарҳол банкка (998 71) 202-33-33 телефон рақамлари орқали, иш кунларида, Тошкент вақти билан соат 09-00 дан 18-00 гача хабар қилиши зарур.

3.17.2. Ёки мобил иловадан фойдаланиб карта мустақил равишда мижоз томонидан блокланади.

3.18. Мижоз/Карта сақловчининг Банкка Картани йўқотиш, ўғирлаш ёки рухсатсиз ишлатиш ҳақидаги ҳар қандай оғзаки мурожаати банкка оғзаки мурожаатдан кейин 2 (икки) иш кунидан кечикмай юбориладиган ёзма ариза (шу жумладан электрон почта/факс орқали) билан тасдиқланиши лозим. Банк Мижоздан хабар олинган кундан бошлаб 48 соат ичида карта бўйича транзакцияларни блоклайди.

3.19. Карта сақловчи томонидан картани Стоп-листга қўйиш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган карта/реквизитларнинг йўқолиши, талон-тароҳ қилиниши ёки қонунга хилоф равишда фойдаланилганлиги тўғрисида ёзма тасдиқ олинганда Банк Картани стоп-листга қўяди.

3.20. Карта сақловчисини ёзма равишда картани йўқотиш, ўғирлаш ёки ноқонуний ишлатиш ҳолатини рад этганда Банк Картани очади.

3.21. Карта билан Авторизация Операциялар ўтказилиши билан амалга оширилган ишлар учун банкнинг жавобгарлиги банкка карта/карта реквизитларини йўқотиш, ўғирлаш ёки ноқонуний фойдаланишни тасдиқлаш/ёзма ариза келиб тушганидан 48 соат ўтгач юзага келади.

#### **4. Карта ҳисоб рақами бўйича операцияларни амалга ошириши тартиби**

4.1. Мижоз томонидан операцияларни амалга ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банк Мижозга қуйидаги шартлар асосида хизмат кўрсатиш тартиби билан Карта ҳисоб рақамини очади:

4.1.1. Карта сақловчи ушбу шартнома шартларига, Банк йўриқномаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ операцияларни амалга ошириши мумкин.

4.1.2. Қўшимча карта бўйича барча операцияларни ҳисобга олиш ва банк билан ўзаро ҳисоб-китоблар Карта ҳисоб рақамида амалга оширилади.

4.2. Шартнома доирасида Қўшимча карта бўйича амалга оширилган барча операциялар Мижоз номидан амалга оширилган деб ҳисобланади. Карта сақловчи томонидан амалга оширилган операция учун жавобгарлик Мижозга юкланади.

4.3. Карта ҳисоб рақамни тўлдириш Банк кассаси орқали нақд пулда ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкин.

- 4.4. Мижоз Карта ҳисоб рақамида маблағларини ўз ихтиёри билан СККда товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, банкоматларда, банк бўлимларида ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган нақд пул бериш пунктларида нақд пулда тасарруф этади.
- 4.5. Банк Мижознинг қўшимча фармойишсиз Мижознинг Карта ҳисоб рақамдан ва унинг Банкда очилган бошқа ҳисоб рақамларининг ҳисобидан қўйидагиларни ечади:
- 4.5.1. ХТТ карталари ва ушбу карталарнинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда миллий ва чет эл валютасида амалга оширилган операциялар суммаси ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказиладиган кун учун ХТТ томонидан белгиланган курс бўйича карта ҳисоб-китоб валютасига автоматик равишда айлантирилади;
- 4.5.2. Тарифларга мувофиқ банк томонидан ундириладиган комиссиялар суммаси;
- 4.5.3. Бошқа банклар томонидан ундириладиган комиссиялар суммаси;
- 4.5.4. Мижознинг Карта ҳисоб рақамга нотўғри йўналтирилган пул маблағлари;
- 4.5.5. Карта сақловчи томонидан шартнома шартларини бузиш натижасида Банкка етказилган зарар миқдори;
- 4.5.6. Картадан ноқонуний фойдаланилган тақдирда Банк томонидан амалга оширилган харажатлар миқдори, бунинг учун Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз (фармойишларсиз) кўрсатилган суммаларни ечиш ҳуқуқини беради.
- 4.6. Карталардан фойдаланиш хавфсизлиги учун Картанинг нотўғри ПИН кодни киритиш чеклови мавжуд. Мижоз нотўғри ПИН-кодни уч мартаба киритган тақдирда Карта блокляниши ва/ёки олиб қўйилиши мумкин. ПИН-код нотўғри киритилган ҳолларда, шу жумладан, Карта сақловчи картани олиб қўйиш ва уни йўқ қилиш ҳолатларда Банк жавобгар эмас.
- 4.7. Учинчи шахсларнинг фирибгар ҳаракатлари натижасида Мижознинг маблағларини йўқотиш хавфини олдини олиш учун Банк жуда хавфли фаолият билан боғлиқ бўлган карта операцияларини блокировка қилиши мумкин. Мижоз Банкка бундай карта операцияларини амалга ошириш имкониятини блокировка қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1. Банк мажбуриятлари**

- 5.1.1. Мижозни банкнинг тарифлари билан таништириш, жумладан тарифларни банк сайтида жойлаштириш орқали таништириш.
- 5.1.2. Ушбу оферта шартларига мувофиқ мижозга карта ва ПИН-конвертни чиқариш ва топшириш.
- 5.1.3. Мижознинг карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғини камайтирадиган транзакцияга, шунингдек кўрсатилган операцияларни амалга ошириш учун банкнинг комиссия тўловига дебетлаш.

- 5.1.4.Карта ҳисоб рақамига кирувчи пул маблағларини ва қайтариладиган тўловлар миқдорини кирим қилиш;
- 5.1.5.Мижознинг аризасига кўра банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ карта ҳисобварағидан кўчирма тақдим этиш;
- 5.1.6.Зудлик билан ва объектив сабабларга кўра бу мумкин бўлмаган ҳолларда, Мижоз томонидан йўқолганлик (ўғирлик ва х. к.) тўғрисидаги ариза тақдим этилгандан сўнг 24 (йигирма тўрт) соат ичида картада хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва уни стоп листига жойлаштириш;
- 5.1.7.Мижозга Банк йўриқномалари ва тарифларида назарда тутилган карта ва ҳисоб-китоб технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;
- 5.1.8.Ушбу шартнома бекор қилинганда, Карта ҳисоб рақамдаги пул маблағлари қолдиғини аввал карта бўйича амалга оширилган операциялар бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилгандан сўнг, Мижозга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда қайтариб бериш.
- 5.1.9. Картани Мижоз томонидан банкдан картани қайта чиқариш тўғрисида ёзма ариза тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни мобайнида қайта расмийлаштириш.
- 5.1.10. ХТТ карталари бўйича Мижознинг аризасига асосан ва ХТТ қоидаларига мувофиқ, Мижоз томонидан тан олинмаган операциялар бўйича текширув ўтказиш (хусусан, банк-эквайрдан чеклар нусхасини олиш ва иложи бўлса, амалга оширилган Транзакциялар бўйича тафсилотларни олиш). Банк мижоз томонидан тан олинмайдиган Транзакциялар миқдорини қайтариш учун барча оқилона ва қулай чораларни кўради.

## **5.2. Мижоз мажбуриятлари:**

- 5.2.1.Карта сақловчига ушбу шартнома шартлари ҳақида маълумот бериш ва Карта сақловчидан уларни бажаришни талаб қилиш.
- 5.2.2.Ушбу шартнома шартларини ва банк йўриқномаларини, ҳамда валюта амалиеларини амалга оширишда -валюта қонунчилиги талабларини бажариш
- 5.2.3. Карта очиш ва картани чиқариш учун банкка шахсан келиб, ушбу шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш.
- 5.2.4. Ўз вақтида қўйидаги тўловларни амалга ошириш/қоплаш:
- Комиссия тўловлари, Банк Тарифлари томонидан кўзда тутилган бошқа суммалар;
  - Карта бўйича транзакция қилинган ёки карта реквизитлари орқали ўтказилган суммалар;
  - Карта ҳисобига ҳато тушган маблағлар;
  - ХТТ билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан таъминланмаган картадаги балансни оширадиган операциялар суммаси;
  - Ушбу шартномани бузган ҳолда амалга оширилган Транзакциялар миқдори, картадан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва картани текшириш билан боғлиқ зарар тўловлар, шунингдек шартнома шартларини бузган ҳолда ва ҳақиқий харажатларга мувофиқ Мижоздан қарзни ундириш билан боғлиқ суммалар;

- Мазкур шартномани ва Банк йўриқномаларини бузиш билан боғлиқ банк зарарлари ва харажатлари.
- 5.2.5. Карта сақловчи бўлмаган учинчи шахсларга Карта, карта реквизитлари ва ПИН-код ва Калит сўзини бермаслик ва ошкор этмаслик. Картани ва картадаги пул маблағларининг сақланишини таъминлаш, шунингдек зарарни олдини олиш, Картани йўқотиш ёки ундан ноқонуний фойдаланиш бўйича барча чораларни кўриш.
  - 5.2.6. Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар, шу жумладан Мижознинг билими ёки билимсиз учинчи шахслар томонидан амалга оширилган операциялар, шунингдек, ХТТ қоидаларига мувофиқ Авторизациясиз амалга оширилиши мумкин бўлган операциялар учун жавобгар бўлиш.
  - 5.2.7. Карта орқали операцияларни фаол қолдиқ доирасида амалга ошириш.
  - 5.2.8. ХТТ картасида ортиқча қарзнинг пайдо бўлишини назорат қилиш ва унинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Агар қарз шакллантирилса, яъни ушбу карта бўйича Карта ҳисобрақамидан ортиқча суммадаги операцияларни амалга оширилса (пул маблағлари ортиқча харажат қилинса), (шу жумладан, операция Авторизациясиз амалга оширилган бўлса), барча қарздорлик суммасини у юзага келган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлиқ қоплаш.
  - 5.2.9. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки яшаш манзили ўзгарганлиги ҳақида хабарни Банкка ушбу ўзгаришлар юз берган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида бериш ва юқорида кўрсатилган ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш.
  - 5.2.10. Банкка Картани топширилгандан кейин ёки унинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, шунингдек йўқолган деб кўрсатилган Картадан унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширмаслик.
  - 5.2.11. Карта бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун карта/карта реквизитлари йўқолганда, ўғирланганда ва/ёки ноқонуний фойдаланилганда, карта эгаси уни дарҳол банкка маълум қилиш.
  - 5.2.12. Агар илгари йўқолган деб эълон қилинган Карта топилса/аниқланса, Мижоз / Карта сақловчи Банкни дарҳол хабардор қилиши ва кейинчалик уни очиш ёки йўқ қилиш учун Картани Банкка қайтариши керак.
  - 5.2.13. Ушбу шартнома бекор қилинган ёки банкнинг ёзма талаби олинган ёки Картанинг амал қилиш муддати 5 кун ичида тугаган тақдирда картани банкка иш ҳолатида қайтариб бериш ва картани ёпиш. Картани йўқотиш (ўғирлатиш ва ҳ. к.) туфайли қайтариш имкони бўлмаган тақдирда, банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссияни тўлаш;
  - 5.2.14. Банкка Картани амал қилиш муддати тугаганидан кейин 5 кун ичида уни қайтариб бериш ва/ёки Картани қайтариш тўғрисидаги Банкнинг ёзма талабини қабул қилиш (уларни йўқотиш ҳолларидан ташқари).
  - 5.2.15. Мижозга СКК (савдо нуқтаси) томонидан тўланган карта билан сотиб олиш миқдори қайтарилган тақдирда, савдо нуқтасидан нақд пул билан қайтаришни талаб қилмаслик. Кўрсатилган тўлов фақат нақд пулсиз тарзда Карта ҳисоб рақамига амалга оширилиши мумкин.

5.2.16. Банкка ушбу шартнома шартларига мувофиқ Банк томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни унинг талабига биноан тақдим этиш.

## **6 ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **6.1. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

6.1.1. Бир томонлама Банк йўриқномаларини ўзгартириш ;

6.1.2. Зарур бўлганда, Картани Банкка тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек, Мижоздан уни камида 3 (уч) кун олдин олдин хабардор қилган ҳолда олиб қўйиш;

6.1.3. Қўйидаги ҳолларда Картани вақтинча блоклаш ва Мижознинг операцияларини тўхтатиб туриш:

6.1.3.1. Агар бунга Банк томонидан белгиланган шаклда Мижознинг топшириғи берилган бўлса;

6.1.3.2. Агар Мижоз томонидан ушбу шартнома шартлари ёки банк йўриқномалари бузилган бўлса.

6.1.3.3. Банкнинг йўриқномалари, ХТТ қоидалари ва амалдаги қонунчилик талабларида кўзда тутилган шубхали ва гумонли операциялар Мижоз томонидан амалга оширилганда ёки лозим даражада текширувни амалга ошириш мақсадида Банк томонидан сўралган ҳужжатларни тақдим этмаганда ёки атайлаб нотўғри ҳужжатларни тақдим этганда.

6.1.3.4. Учинчи уринишда нотўғри ПИН-кодни киритиш. Шу билан бирга, Банк картани блоклайди ва операция ўтказиладиган ХТТ иштирокчи-банккага картани олиб қўйиш (ушлаб туриш) зарурлиги тўғрисида электрон хабар юборади;

6.1.3.5. ХТТ картасидан картадан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек банк ва / ёки Мижозга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа асослар мавжуд бўлганда;

6.1.3.6. Банкка амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари талаблари тушган тақдирда.

6.1.4. Мижоздан Карта сақловчи томонидан ушбу шартнома шартларини ёки банк йўриқномаларини бузиш билан боғлиқ қарздор сумма ва харажатларни Банкка тўлашни талаб қилиш.

6.1.5. Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда:

6.1.5.1. Картани олиш ва шартномани бажариш вақтида тақдим этиладиган ҳужжатларда Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини текшириш. Келишмовчиликлар ва нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, мижоз картани чиқариш ёки унинг талабларини қондиришдан бош тортиши керак.

6.1.5.2. Мижознинг Карта ҳисоб рақамидан ушбу шартноманинг 4.5-бандига мувофиқ пул маблағларини акцептсиз тартибда (мижознинг қўшимча розилигисиз) ечиб олиш.

6.1.5.3. Карта ҳисоб рақамига ўтказиш ва/ёки Карта ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиб олиш бўйича нотўғри ёзув аниқланган тақдирда, Мижознинг ёзма розилигини

олмасдан, Карта ҳисоб рақамига ўтказиш ва/ёки белгиланган тартибда Карта ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиб олиш йўли билан тегишли тузатиш амалга оширилади.

- 6.1.5.4. ХТТ карталари билан амалга оширилган баҳсли Транзакциялар бўйича Мижоздан ушбу операциялар аризаларини кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ва улардан нусха олиш. Холис маълумотларни олиш мақсадида ХТТга банк-эквайердан тасдиқловчи ҳужжатларни олиш бўйича мурожаат қилиш. Агар банк-эквайер баҳсли операцияларнинг асослилигини ҳужжат билан тасдиқласа, тасдиқловчи ҳужжатларни олиш билан боғлиқ харажатлар Мижоз ҳисобидан олинади.
- 6.1.5.5. Мижоз томонидан кўрсатилган телефон рақамига SMS юбориш орқали ёки электрон почтага Мижозга хабарнома (талаблар) юбориш.
- 6.1.5.6. Карта сақловчи томонидан олинмаган Картани чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида йўқ қилиш.
- 6.1.5.7. Ушбу шартномада белгиланган ҳолларда ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш.
- 6.1.5.8. Агар Мижоз норезидент булса, Банк, операцияни урганиш мақсадида кушимча маълумотларини сураш, операция лимитларини белгилаш, санкция таъсир доирасига тушганда еки тушиш хавфи мавжуд булганда, операцияни рад этиш еки амалга ошираётган операциялар мижознинг анкета профилига номувофик булган ҳолларда хизмат курсатишни рад этиш ва Мижоз билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## **6.2. Мижоз ҳуқуқлари :**

- 6.2.1. Ушбу шартноманинг 3.5-бандига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини, шунингдек шартнома шартларини ҳисобга олган ҳолда Фаол қолдик суммасида операцияларни амалга ошириш учун картадан фойдаланиш.
- 6.2.2. Карта ҳисобида пул маблағлари қолдиғини тўлдириш;
- 6.2.3. Картани олишда ПИН-кодни мустақил равишда ўзгартириш;
- 6.2.4. Картадаги операциялар ва Карта ҳисоб рақамининг ҳолати ҳақида маълумот олиш шу билан бирга Карта сақловчи банкка шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Карта сақловчи Банкдан мижознинг карта ҳисоби, транзакциялар амалга оширилган карта ҳисобварағи қолдиғи ҳақида маълумот олиш учун ўз номидан ёки Мижоз номидан банкка мурожаат қилишга ҳақли эмас.
- 6.2.5. Ўзи рози бўлмаган Карта бўйича амалга оширилган транзакцияга, шунингдек, ушбу транзакция миқдорини қайтариш бўйича текширув ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Банкка мурожаат қилиш. Шу билан бирга, мижоз ушбу терговни ўтказиш ва транзакциялар миқдорини қайтариш билан боғлиқ барча харажатларни банкка қайтариш мажбуриятини олади.
- 6.2.6. Карта амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Карта йўқолганда/ўғирланганда, карта механик шикастланганда ёки Карта сақловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгариши муносабати билан Банкка картани қайта чиқариш тўғрисида ёзма ариза

билан мурожаат қилиш. Қайта чиқарилган карталар банкка қайтарилади (уларнинг йўқолиши ҳолларидан ташқари) ва блокланади.

6.2.7. Карталар (уларнинг йўқолиши ҳолларидан ташқари) қайтарилиши ва банк билан ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилиши шарти билан Банкка тегишли аризани топшириш йўли билан шартномани бекор қилиш санасидан 30 календарь кундан кечиктирмай шартнома бекор қилинади. Кўрсатилган ариза олинган кундан бошлаб Банк Картани блоклайди.

6.2.8. Карта сақловчи амалга оширилган операциялар бўйича СКК маълумот олинган пайтгача Банкдан тўловни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас

### **6.3. Мазкур Шартнома бўйича Карта сақловчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

6.3.1. Ушбу шартномада кўрсатилган операцияларни бажариш учун Картадан фойдаланиш.

6.3.2. Банкоматлар ва банк кассалари орқали нақд пул олиш.

6.3.3. Банк кассаси орқали Карта ҳисоб рақамини нақд пул билан тўлдириш.

6.3.4. Карта ва ПИН-кодни тақдим этган ҳолда, фаол қолдиқ ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, электрон қурилмаларда (банкоматлар, инфокиосклар ва ҳ. к.) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида амалга оширилган операциялар ҳақида қисқача маълумот олиш.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ**

7.1. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. Мижоз шартномада назарда тутилган ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги учун банкка тақдим этилаётган барча ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

7.3. Мижоз банкдан олинган вақтдан бошлаб Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар учун жавобгардир. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилиги билан танишганини тасдиқлайди ва кафолатлайди, Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишда унга риоя этилишини таъминлаш мажбуриятини олади. Карта сақловчи томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида банкка етказилган зарар Мижоз томонидан сўзсиз қопланиши керак.

7.4. Банк картани ўз вақтида блокировка қилиш учун жавобгардир.

7.5. Банк карта ҳисоби билан операциялар бўйича банк сирини сақлаш учун жавобгардир. Карта ҳисоб рақами ва операциялар тўғрисидаги маълумотлар Банк томонидан учинчи шахсларга фақатгина қўйидаги ҳолларда ошкор қилиниши мумкин:

- бундай маълумотларни ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банкнинг мажбурияти бўлганда;
- Мижоз розилиги билан бошқа ҳолатларда.

- 7.6. Агар Мижоз Банкка зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса ва/ёки ҳужжатларда ноаниқлик ва хатоларга йўл қўйилган бўлса, Банк картани чиқариш ва қайта чиқаришдаги кечикиш, шунингдек, Мижознинг Карта ҳисоб рақамига маблағларни туширишдаги кечикиш учун жавобгар бўлмайди.
- 7.7. Банк СКК ёки унинг бошқа иштирокчилари тарафидаги техник носозликлар оқибатида юзага келган Мижознинг зарарлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.8. Карта сақловчи ушбу шартнома шартларини бажармаган ҳолларда, шунингдек банк назорати доирасидан ташқарида бўлган ҳолларда банк жавобгар бўлмайди.
- 7.9. Карта йўқотилганлиги (ўғирланганлиги ва х.к) тўғрисида ариза берган вақтидан бошлаб 24 (йигирма тўрт) соат ичида учинчи шахс томонидан картадан фойдаланган ҳолда ҳар қандай Карта сақловчининг молиявий йўқотиш учун Банк жавобгар эмас.
- 7.10. Банк Мижознинг пул маблағларини олувчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва Мижозни нотўғри йўл (чалғитиш) билан қабул қилиш натижасида кўрган зарарлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.11. Ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик уни бекор қилиш учун асос бўлади, шу билан бирга бекор қилиш вақти томонлар ўртасида алоҳида тартибда белгиланади.
- 7.12. Агар тарафлардан бири ушбу шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузса, иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.
- 7.13. Банк учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган, фойдаланиладиган ва/ёки хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналар, электр таъминоти тизимлари ва/ёки алоқа линиялари ёки тармоқлар билан боғлиқ ҳар қандай хизматдаги узилишлар учун жавобгар эмас.

## **8. МАҲФИЙЛИК**

- 8.1. Карта сақловчиси ушбу шартнома бўйича ахборотнинг махфийлигини таъминлаш учун Банк билан баробар жавобгардир.
- 8.2. Ушбу шартнома предмети билан боғлиқ Банк ва Карта сақловчи томонидан бир-бирига тақдим этилган маълумотлар махфий ҳисобланади. Томонлар олинган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинишини олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўради.

## **9. ФОРС-МАЖОР**

- 9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар, агар бу бажарилмаганлиги давлат бошқаруви ва назорати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан: уруш, зилзила, ёнғин, қоралаш, эпидемия, табиий ёки бошқа офатлар (техника рад этилиши, дастурий таъминот етишмаслиги, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларидаги уларнинг айби билан вужудга келмаган, лекин улар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришга таъсир этувчи узилишлар), томонлар уларнинг юзага келиши учун таъсир ўтказа олмайди ва жавобгар бўлмайди, шунингдек, агар бу факт

ваколатли давлат органлари томонидан ҳужжатлаштирилган бўлса. Томонлар зудлик билан ёзма равишда бундай ҳолатларнинг бошланиши ва тугаши ҳақида ёзма равишда хабар беришлари шарт.

9.2. Юзага келган куч билан бартараф этилмайдиган вазият қонун билан белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганда, форс-мажор ҳисобланади

## **10. Мазкур Шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

10.1. Ушбу шартнома Мижоз томонидан Карта чиқариш тўғрисидаги ариза имзоланиб Банкка тақдим этилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва муддатсиз амал қилади.

10.2. Шартномага банк сайтида эълон қилинганидан кейин кучга кирадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10.3. Ушбу шартнома Мижоз томонидан ушбу шартноманинг 12.4-бандида назарда тутилган тартибда, шунингдек, Ммижознинг ёзма аризаси билан бекор қилиниши мумкин:

\* Карта Карта сақловчи томонидан Банкка хизматга яроқли ҳолда қайтарилган;

\* Карта сақловчи барча мажбуриятларни бажарган ва ушбу шартнома бўйича Банкка қарздор эмас,

10.4. Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилган тақдирда, Банк Мижоз ва Карта сақловчи номига берилган Карталарни/Қушимча карталарни фаолиятини тўхтатади (карталарни блоклайди) ва/ёки Карталарни/Қушимча карталарни йўқ қилади.

10.5. ХТТ карталарида ҳисобга олинган пул маблағлари қолдиғини қайтариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

\* Пасайтирилмайдиган қолдиғидан ошган пул миқдори Мижозга Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза берилган ва Картани Банкка қайтариш куни қайтарилади;

\* Карта банкка қайтарилганидан кейин 30 (ўттиз) календарь кун ўтгач ва Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза топширилгандан сўнг, Пасайтирилмайдиган қолдиқ миқдори Мижозга қайтарилади;

\* Картани Банкка қайтармаган тақдирда, Мижоз томонидан Картани/ Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза топширилган куни Банк Картани блоклайди ва Карта ҳисоб рақамидagi пул маблағлари қолдиғи Мижоз томонидан картани ёпиш учун ариза топширилгандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ўтгач Мижозга қайтарилади.

10.6. Шартнома Банк томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин ва Карта ҳисоб рақами қуйидаги ҳолларда ёпилади:

\* Ушбу шартнома доирасида чиқарилган барча Карталар Банк томонидан йўқ қилинганда (бекор қилинганда);

\* Шартнома шартлари, ХТТ қоидалари, ЎзР қонун ҳужжатлари талаблари Карта сақловчи томонидан бузилганда, шартнома бекор қилиш санада Мижознинг тўланмаган мажбуриятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;

Банк шартномани бекор қилиш ниятида Мижозга хабарнома юборади.

10.7. Шартномани бекор қилиш, карталарни ёпиш 30 (ўттиз) календарь кундан сўнг амалга оширилади:

\* Шартнома доирасида берилган барча карталар амал қилиш муддати тугаган санадан бошлаб;

\* Банк томонидан Банк хизматларидан жиноятларидан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроқларини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланишда асосли шубҳалар мавжуд бўлса.

Шартнома доирасида берилган барча карталар бекор қилинган ёки тўхтатилган санадан бошлаб.

10.8. Шартнома бекор қилингандан сўнг, Карта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари Банк томонидан Мижоз ҳисоб рақамига, ХТТ карталари бўйича эса шартнома 10.5-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ёхуд Мижозга нақд пулда тўланади.

10.9. Шартномани бекор қилиш Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун асос бўлади.

10.10. Ушбу шартнома бекор қилинганда Картани чиқариш учун тўлов, транзакцияларни қайта ишлаш учун комиссия мукофоти ва банк тарифларига мувофиқ бошқа тўловлар Карта сақловчига қайтарилмайди.

## **11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

11.1. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажариш жараёнида юзага келадиган барча низоларни ўзаро мақбул ечим топиш мақсадида музоқаралар йўли билан дастлабки тартибда кўриб чиқадилар.

11.2. Агар келишувга эришилмаган бўлса, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суд органларига кўриб чиқиш учун берилади.

## **12. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР**

12.1. Мазкур Офертани акцептлаб, Мижоз банк тарифлари билан танишганлигини тасдиқлайди.

12.2. Шартномада тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

12.3. Банкнинг билдиришномалари (хабарномалар) омонатчига шахсан, қоғода ёзма шаклда топширилиши ёки почта ёки электрон алоқа (электрон почта манзилига хабарлар,

мобил телефонга СМС хабарлар) ва бошқа алоқа каналлари орқали хабар шаклида юборилиши мумкин.

12.4. Ушбу билан омонатчи ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга ўз розилигини билдиради. Розилик томонларнинг мажбуриятлари тугатилганга қадар ёхуд шахсий маълумотларни сақлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари тугагунига қадар амал қилади. Розилик исталган вақтда ёзма ариза асосида чақириб олиниши мумкин.

12.5. Ушбу билан Мижоз ҳисобдаги пул маблағлари қолдиғи бўлмаган ва 6 (олти) ой мобайнида ҳисоб бўйича операциялар бажарилмаган тақдирда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан банкка мурожаат қилади. Шунингдек, Мижоз банкка ҳисоб рақамни ёпишга топшириқ беради. Мижоз ва Банк шартноманинг ушбу бандини ЎзР ФКнинг 788-моддаси 1-бандига мувофиқ ҳисоб рақамни ёпиш учун ариза сифатида қабул қилади.

### **13. Банк Реквизитлари**

Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси, 2 уй

р/с:29802000700000980110, МФО: 00980 СТИР: 203644820, ОКЭД: 64190

Тел.: +998 71 202-33-33

## 2. Масофадан хизмат кўрсатиш тартиби

### Жисмоний шахснинг масофадан очиладиган банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта

Ушбу оммавий офертада «Octobank» АЖ (кейинги ўринларда- «Банк») жисмоний шахсларнинг мобил қурилмалар ёрдамида уларга ўрнатилган мобил илова орқали масофадан туриб банк ҳисобварақларни очиш ва Жисмоний шахснинг банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда Шартнома деб юритилади) шартларини ўз ичига олади. Ушбу офертада кўрсатилган хатти ҳаракатларни амалга оширилиши, жисмоний шахснинг ушбу офертада кўрсатилган шартлар, тартиб ва ҳажмларда шартнома тузишга розилигини тасдиқлайди.

Ушбу оферта банк томонидан чиқарилган миллий ва хорижий валюталарда миллий тўлов тизимлари (HUMO, UZCARD) ва халқаро тўлов тизимларининг (VISA, MASTERCARD) банк карталари бўйича хизмат кўрсатишни масофадан олиш ва картани очиш ниятида бўлган жисмоний шахсларга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ шартнома тузишга расмий оммавий таклиф ҳисобланади.

Шартнома мижоз томонидан Масофадан идентификациялаш жараёнидан муваффақиятли ўтганидан кейин, виртуал (экран) «Яратиш» тугмасини босиш билан таклифни қабул қилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва қонуний кучга эга бўлади. Ушбу ҳаракат картани чиқариш учун банкка ариза бериш, мижознинг ушбу офертанинг барча шартларини сўзсиз қабул қилиши ва чекловларсиз имзолашини аниқлатади.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу оферта мижознинг банкдаги махсус карта ҳисобварақни очиш ва юритиш шартларини белгилайди, банк томонидан чиқариладиган миллий тўлов тизимлари (HUMO, UZCARD) ва халқаро тўлов тизимлари (VISA, MASTERCARD) нинг банк карталарини чиқариш, хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тартибини белгилайди ва шу муносабат билан мижоз ва банк ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

### 2. АТАМАЛАР

<b>Валюта операциялари</b>	эгаллик ва бошқа ҳуқуқларнинг валюта бойликларига ўтказиш билан боғлиқ амалиётлар, валюта маблағларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, ўтказиб юбориш ва ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, ўтказиб юбориш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги амалиётлар;
----------------------------	--

<b>Резидент</b>	Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шу жумладан, чет элда бўлиб турган фуқаро, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтган чет фуқароси, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтган фуқаролиги бўлмаган шахс
<b>Норезидент</b>	Резидент деган тушунчага тўғри келмайдиган шахс.
<b>Оферта</b>	Картани чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни тақдим этиш бўйича банкнинг ушбу таклифи. Оферта банк сайтида ва мобил иловада жойлаштирилади. Оферта шартларига ЎзР қонунчилигида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.
<b>Мобил илова</b>	Банк ва учинчи шахсларнинг Мобил мосламага ўрнатилган дастурий таъминот тўплами бўлган ва мижозга банк хизматларини олиш учун Банкка фармойиш беришга имкон берувчи ихтисослаштирилган дастурий таъминот. Мобил иловани мобил телефон операцион муҳити ишлаб чиқарувчилари (AppStore (ишлаб чиқарувчи- Apple), Google Play (ишлаб чиқарувчи – Google) Интернет – ресурсларидан ўрнатиш мумкин.
<b>Мобил мослама</b>	Мобил телефон ва/ёки планшет компьютер ва/ёки портатив плеер ва/ёки банкнинг мобил дастурий таъминотини ўрнатишни қўллаб-қувватлайдиган бошқа мослама. Мобил мосламада iOS операцион тизими ёки Android версияси 4.1 дан кам бўлмаслиги керак.
<b>Масофадан идентификациядан ўтказиш</b>	Мижоз шахсининг расмини таҳрир қила олмайдиган фотографик нусхаси ва мижоз ҳақидаги фотосуратлар ва керакли маълумотларни ўз ичига олган паспортнинг таҳрир қила олмайдиган фотографик нусхаси асосида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган Мижоз тўғрисидаги маълумотларни (тўлиқ исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги; доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи; паспорт реквизитлари: хужжат серияси ва рақами, хужжат берилган сана, хужжатни берган орган номи; солиқ тўловчининг идентификация рақами (агар мавжуд бўлса)); уй телефон рақами (агар мавжуд бўлса)), кейинчалик улар бир-бири, шунингдек, махсус дастурий таъминот ва банк АБС ёрдамида ЎзР ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасидан олинган маълумотлар билан таққослаш йўли билан аниқлаш усули.
<b>Карта</b>	Миллий тўлов тизимларининг (HUMO, UZCARD) ва халқаро тўлов тизимларининг (VISA, MASTERCARD) шахсийлаштирилган банк картаси. Карта моддий шаклда (пластик) ёки усиз (виртуал) «сўм» миллий валютасида ёки чет эл валютасида чиқарилиши мумкин. Карта бу Карта ҳисоб рақами бўйича операцияларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади.
<b>Картомат</b>	Карталарни чиқариш ёки алмаштириш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаси
<b>ХТТ картаси</b>	Моддий шаклда (пластик) ёки усиз чиқарилган миллий валюта «сўм» ёки чет эл валютасида банк томонидан берилган Халқаро тўлов тизимларининг карталари: VISA, MASTERCARD.
<b>Карта сақловчи</b>	Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ва эмитент ёки банк билан тузилган шартнома асосида банк картасидан фойдаланадиган Мижоз ёки Мижоз томонидан ваколат берилган жисмоний шахс.

<b>Кўшимча карта</b>	Мижозга карта берилгандан кейин чиқарилган ва Мижознинг яқин қариндоши ёки дўсти бўлган мижознинг ёки Карта сакловчининг маълумотлари реквизитларда мавжуд бўлган Мижознинг карта ҳисоб рақамига бириктирилган карта.
<b>Карта ҳисоб рақами</b>	Мижознинг банк ҳисобварағи, жумладан масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқариладиган жисмоний шахснинг банк ҳисоб рақами булиб, ундаги тадбиркорлик фаолияти ёки хусусий амалиёт билан боғлиқ бўлмаган операциялар бўйича пул маблағларини тасарруф этиш, ҳам карта/карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда, ҳам улардан фойдаланмасдан амалга оширилиши мумкин. Карта ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисидаги жорий маълумотлар Процессинг марказида акс эттирилади.
<b>Мижоз</b>	Номига карта ҳисоби очилган ва Карта чиқарилган Резидент ёки Норезидент
<b>Калит сўз</b>	Банк томонидан Карта сакловчисини унинг телефон орқали карта ҳисоб рақами, Карта ва карта операциялари ҳақида маълумот олиш учун мурожаат қилганда, масофадан аниқлаш учун фойдаланиладиган, Мижоз томонидан Карта ҳисоб рақамини очиш ва картани чиқариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган сўз, рақамлар ёки ҳарф-рақамлар кетма-кетлиги.
<b>Процессинг маркази</b>	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, улар билан банк тегишли шартнома муносабатларига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган ва банклар учун, шу жумладан, банклар карталарини чиқариш ва сотиб олиш бўйича хизматлар мажмуасини таъминлайди, шунингдек, тўлов провайдери вазифасини бажарадиган бошқа тизимларда (HUMO, UZCARD) МТТда процессор функцияларини амалга оширади.
<b>ХТТ</b>	Халқаро тўлов тизими (масалан, Visa International, MasterCard, UnionPay ва бошқалар) банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг халқаро ассоциацияси бўлиб, халқаро тўлов тизими иштирокчилари ўртасида ягона ҳисоб-китоб қоидаларини белгилувчи карта дастурлари, маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди.
<b>Пасайтирилмайдиган қолдиқ</b>	Карта ҳисобидаги пул маблағлари миқдори банк тарифлари билан белгиланади, бу картадаги қолдиқдан фойдаланиш мумкин эмас, яъни фаол қолдиқ суммасига киритилмаган. Пасайтирилмайдиган қолдиқ банк томонидан карта бўйича операциялар фаол қолдиқ суммасидан юқори бўлган қарзни тўлаш учун ишлатилади. Пасайтирилмайдиган қолдиқ маблағларидан фойдаланган ҳолда, уни тиклаш карта ҳисобини навбатдаги тўлдиришда мижознинг карта ҳисобига киритиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.
<b>Авторизациядан ўтказиш</b>	Карта бўйича операцияларни амалга ошириш учун Процессинг марказидан телефон, электрон ёки бошқа алоқа орқали рухсат олиш тартиби ишлатилаётган технологияга мувофиқ амалга оширилади.
<b>Эмитент</b>	Карталар эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган ва

	уларнинг эгалари ва эквайерлари томонидан банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятларни зиммасига олган банк.
<b>Эквайер</b>	ССК билан транзакциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, шунингдек карта эгасига ўз бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк.
<b>ССК (савдо-сервис корхонаси)</b>	Товарлар ёки хизматларни карталар орқали эквайер билан тузилган шартнома асосида сотувчи хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахс ёки жисмоний шахс), бўйича сотишни амалга оширади.
<b>POS-терминал</b>	ССКнинг товар ёки хизматлари учун карталар бўйича тўловларни қабул қилувчи ва процессинг маркази билан реал вақт режимида амалга оширилган битимлар бўйича слипларни шакллантирувчи электрон қурилма.
<b>Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали</b>	Хизматларга ҳақ тўлаш учун нақд пул маблағларини қабул қилиш функцияси (Инфокиоск) ҳамда карта эгаси томонидан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш режимида нақд пул олиш функцияси (АТМ) билан жиҳозланган хизматлар учун карталар бўйича тўловларни қабул қилишнинг электрон қурилмаси.
<b>CVV2</b>	Карта эгаси томонидан интернет орқали транзакцияларни тасдиқлаш учун ишлатиладиган, картанинг орқа томонида кўрсатилган уч хонали рақам. Карта эгаси CVV2 рақамини учинчи шахслардан яширинча сақлаб қолиш учун чоралар кўриши зарур.
<b>Слип</b>	банк картаси орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи, операциянинг миқдори, тури, амалга оширилган санаси тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу слипни шакллантирган банк картаси ҳамда терминал ёки банкоматни тўғри аниқлай билиш имкониятини берувчи ахборотни ўзида мужассамлаштирган терминал ёки банкомат квитанцияси.
<b>Транзакция</b>	Товар ёки хизматларни тўлаш учун карта орқали амалга ошириладиган тўлов, тўловларнинг қайтарилиши, Карта ҳисобрақамига кирим ва чиқимлар, карта балансини текшириш ва Карта тарихини кўриш каби карта бўйича информацион хизматлар. Транзакцияни тасдиқлаш карта эгаси томонидан ПИН-код ёрдамида ёки усиз амалга оширилади.
<b>ПИН-код</b>	Карта ҳисоб рақамида ҳисобга олинадиган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи, шунингдек Картада сақланаётган маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чекловчи шахсий идентификация рақами. ПИН коди махфий ахборот ҳисобланади ва у сир сақланиши керак. ПИН-коднинг хавфсизлиги учун Карта сақловчи жавобгар ҳисобланади.
<b>Тўлов қайтарилиши</b>	Карта Эгасининг карта бўйича харид қилинган товарлар ёки хизматлардан воз кечиши, СККтомонидан тасдиқланган ва карта эгасининг карта ҳисобига ўтказиш учун банк томонидан белгиланган шаклда амалга оширилиши натижасида пул маблағларининг қайтарилиши. Тўлов қайтарилиши нақд шаклда амалга оширилиши мумкин эмас.
<b>Стоп лист</b>	Картани йўқотиш (ўғирлатиш ва ҳ.к.) туфайли Карта сақловчининг расмий мурожаатидан кейин банк томонидан тақиқланган карталар

	рўйхати. Карта сақловчи банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ картани стоп листга қўйиш учун ариза беради.
<b>Банк тарифлари</b>	Карта билан транзакцияларни амалга оширишда Карта сақловчи томонидан банк фойдасига тўланадиган комиссия тўлов.
<b>Банк йўриқномалари</b>	«Octobank» АЖнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қоидалари, Карта токенидан фойдаланиш қоидалари ва бошқа Банк ҳужжатлари, карта ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ва жараёнларини тавсифлаб беради, унга мувофиқ банк Мижозга картага хизмат кўрсатиш хизматларини кўрсатади. Банк йўриқномаларига риоя қилиш мижоз ва банк учун мажбурийдир. Банк йўриқномалари <a href="http://www.octobank.uz">www.octobank.uz</a> сайтида жойлаштирилади. Банк банк йўриқномаларини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга.
<b>Фол қолдик</b>	Мижознинг Карта ҳисоб рақамида ҳисобга олинган пул маблағлари миқдори, унинг доирасида Мижоз карта / карта реквизитларидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириши мумкин.

### 3. УМУМИ Й ҚОИДАЛАР

3.1. Банк масофавий идентификациядан муваффақиятли ўтган тақдирда, Оферта қабул қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичида мижоз номига Карта ҳисобварағини очади, картани ишлаб чиқаради ва Карточка эгасига картани топширади. Виртуал картанинг карта ҳисобварағи ва виртуал картанинг ўзи Банк томонидан реал вақт режимида Мижоз номига чиқарилади. Виртуал карта реквизитлари Мобил иловада мижоз эътиборига хавола қилинади.

Бу ҳолда Карта ҳисоби Норезидентга, дастлабки бевосита шахсан ўзи томонидан ҳисоб рақами очиш тўғрисида берилган ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

3.2. Картани бериш банк офисида ёки Мижозга ёки Карта сақловчига шахсан етказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Карта ва Карта ҳисоб рақамининг валютаси Мижоз томонидан картани чиқариш учун ариза асосида белгиланади.

3.4. ХТТ картаси банк томонидан 10 (ўн) иш куни мобайнида чиқарилади ва мижозга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда муҳрланган ПИН-конвертда жойлашган ПИН-код билан бирга берилди.

3.5. Карта банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта сақловчига картанинг амал қилиш муддати давомида вақтинчалик фойдаланиш учун берилди. Картанинг амал қилиш муддати картада кўрсатилган ва 5 (беш) йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Карта тегишли йилнинг ойи охиригача амал қилади. Карта амал қилиш муддати тугагандан сўнг, шунингдек алмаштирилганда ёки Банк талабига биноан Банкка қайтарилиши керак

3.6. Моддий шаклда Карта - Шартнома шартларига, банк Йўриқномаларига, Валюта амалиётлари учун валюта қонунчилиги, шунингдек, банклараро тўлов тизими (БТТ) қоидалари талабларига риоя этиш шарти билан қуйидаги амалиётлар бажариш учун фойдалани мумкин:

- 3.6.1. HUMO и UzCard тизими карталари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СКК дан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шу билан бирга токендан фойдаланган ҳолда;
- 3.6.2. Visa и MasterCard карталари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида СКК дан товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шу билан бирга токендан фойдаланган ҳолда;
- 3.6.3. Эквайер бўлинмаларида ёки банкомат орқали нақд пул олиш;
- 3.6.4. Картадан картага ўтказиш;
- 3.6.5. Карта ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиш;
- 3.6.6. Карта ҳисоб рақами ҳақида маълумот олиш.
- 3.7. Виртуал карта - Шартнома шартларига, Банк йўриқномаларига, Валюта амалиётлари учун валюта қонунчилиги, шунингдек, Банклараро тўлов тизими (БТТ) қоидалари талабларига риоя этиш шarti билан қуйидаги амалиётлар бажариш учун фойдалани мумкин:
- 3.7.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида Интернет орқали товарлар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;
- 3.7.3. Банк бўлинмаларида нақд пул олиш;
- 3.7.4. Картадан картага ўтказиш;
- 3.7.5. Карта ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиш;
- 3.8. Карта сақловчининг Карта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари қолдиғи учун фоизлар ҳисобланмайди.
- 3.9. Банк картани чиқариш, картани қайта чиқариш ва Карта ҳисоб рақамини очиш учун банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ ҳақ олади.
- 3.10. Банк операцияларни амалга ошириш учун Карта сақловчидан банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссия мукофотини олади.
- 3.11. Картани ёпиш Карта сақловчининг ёзма аризаси асосида ва ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.
- 3.12. Банк Карта сақловчи томонидан Картани йўқолганлиги (ўғирланганлиги ва х.к.) тўғрисида Банкка ариза берган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида йўқолган (ўғирланган ва х. к.) картани алмаштиради.
- 3.13. Ушбу шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Карта ҳисоб рақами валютасида амалга оширилади.
- 3.14. Банк картасига эга бўлган Мижоз аризасига асосан Мижознинг ўзи ёки Мижознинг яқин қариндоши ёки дўсти бўлган Карта сақловчининг реквизитлари билан Банк тарифларига биноан комиссия олган ҳолда Қўшимча карталар чиқарилиши мумкин. Агар

Мижоз томонидан Карта сақловчига Карта ҳисоб рақамини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган бўлса, Карта сақловчиси банкка паспорт ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этади.

- 3.15. Мижоз исталган вақтда Кўшимча картани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда, Мижоз Кўшимча карта амал қилишини тўхтатиш ва Кўшимча картани қайтариш талаби билан банкка тегишли ариза тақдим этиши шарт.
- 3.16. Қуйидаги ҳолларда картадан фойдаланиш мумкин эмас:
  - 3.16.1. Картанинг амал қилиш муддати тугаганда;
  - 3.16.2. Карта Карта сақловчининг талабига биноан ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда Банк ташаббуси билан блокланганда;
  - 3.16.3. ПИН-кодни уч маротаба нотўғри киритиш сабабли Карта блокланганда;
  - 3.16.4. Карта ташқи таъсирлардан зарар кўрганда.
- 3.17. Картага хизмат кўрсатиш учун банк амалдаги тарифларга мувофиқ комиссияларни ундиради. Бунда картанинг амал қилиш муддати муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, банк томонидан Картага хизмат кўрсатиш ва амалга оширилган операциялар учун олинган комиссия қайтарилмайди.
- 3.18. Тарифлар банк томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилиши мумкин, бу ҳақда миждозга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишидан камида 10 (ўн) календарь кун олдин хабар қилинади. Агар миждоз 10 (ўн) кун ичида тарифларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан рад этилмаса ёки эътироз билдирилмаса, ушбу ўзгаришлар миждоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Тарифларнинг ўзгариши ва тўлдирилганлиги тўғрисида Миждозга хабарнома қуйидаги тартибда амалга оширилади:
  - 3.18.1. Ахборотни банкнинг [www.octobank.uz](http://www.octobank.uz) расмий веб-сайтида Интернет тармоғидаги манзилга жойлаштириш орқали;
  - 3.18.2. Банк офисларида ахборот стендларида ахборот жойлаштириш орқали
- 3.19. Карта йўқолиши, карта маълумотлари, ПИН-код ва/ёки карта/карта реквизитлари учинчи шахсларага ошкор бўлганда, Карта ноқонуний ишлатиш ҳолатларида, Карта ҳисоб рақамидаги операцияларни тўхтатиб туриш учун Миждоз / Карта сақловчиси:
  - 3.19.1. Бу ҳақда дарҳол банкка (998 71) 202-33-33 телефон рақамлари орқали, иш кунларида, Тошкент вақти билан соат 09-00 дан 18-00 гача хабар қилиши зарур.
  - 3.19.2. Ёки мобил иловадан фойдаланиб карта мустақил равишда миждоз томонидан блокланади.
- 3.20. Миждоз/Карта сақловчининг Банкка Картани йўқотиш, ўғирлаш ёки рухсатсиз ишлатиш ҳақидаги ҳар қандай оғзаки мурожаати банкка оғзаки мурожаатдан кейин 2 (икки) иш кунидан кечикмай юбориладиган ёзма ариза (шу жумладан электрон почта/факс орқали) билан тасдиқланиши лозим. Банк Миждоздан хабар олинган кундан бошлаб 48 соат ичида карта бўйича транзакцияларни блоклайди.

- 3.21. Карта сақловчи томонидан картани Стоп-листга қўйиш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган карта/реквизитларнинг йўқолиши, талон-тарож қилиниши ёки қонунга хилоф равишда фойдаланилганлиги тўғрисида ёзма тасдиқ олинганда Банк Картани стоп-листга қўяди.
- 3.22. Карта сақловчисини ёзма равишда картани йўқотиш, ўғирлаш ёки ноқонуний ишлатиш ҳолатини рад этганда Банк Картани очади.
- 3.23. Карта билан Авторизация Операциялар ўтказилиши билан амалга оширилган ишлар учун банкнинг жавобгарлиги банкка карта/карта реквизитларини йўқотиш, ўғирлаш ёки ноқонуний фойдаланишни тасдиқлаш/ёзма ариза келиб тушганидан 48 соат ўтгач юзага келади.

#### **4. Карта ҳисоб рақами бўйича операцияларни амалга ошириши тартиби**

- 4.1. Мижоз томонидан операцияларни амалга ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банк Мижоз номига қуйидаги шартларда хизмат кўрсатиш тартиби билан Карта ҳисоб рақамини очади:
- 4.1.1. Карта сақловчи ушбу шартнома шартларига, Банк йўриқномаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ операцияларни амалга ошириши мумкин
- 4.1.2. Қўшимча карта бўйича барча операцияларни ҳисобга олиш ва банк билан ўзаро ҳисоб-китоблар Карта ҳисоб рақамида амалга оширилади.
- 4.2. Шартнома доирасида Қўшимча карта бўйича амалга оширилган барча операциялар Мижоз номидан амалга оширилган деб ҳисобланади. Карта сақловчи томонидан амалга оширилган операция учун жавобгарлик Мижозга юкланади.
- 4.3. Карта ҳисоб рақамни тўлдириш Банк кассаси орқали нақд пулда ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкин.
- 4.4. Мижоз Карта ҳисоб рақамида маблағларини ўз ихтиёри билан СКҚда товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, банкоматларда, банк бўлимларида ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган нақд пул бериш пунктларида нақд пулда тасарруф этади.
- 4.5. Банк Мижознинг қўшимча фармойишсиз Мижознинг Карта ҳисоб рақамдан ва унинг Банкда очилган бошқа ҳисоб рақамларининг ҳисобидан қўйидагиларни ечади:
- 4.5.1. ХТТ карталари ва ушбу карталарнинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда миллий ва чет эл валютасида амалга оширилган операциялар суммаси ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказиладиган кун учун ХТТ томонидан белгиланган курс бўйича карта ҳисоб-китоб валютасига автоматик равишда айлантирилади;
- 4.5.2. Тарифларга мувофиқ банк томонидан ундириладиган комиссиялар суммаси;
- 4.5.3. Бошқа банклар томонидан ундириладиган комиссиялар суммаси;
- 4.5.4. Мижознинг Карта ҳисоб рақамга нотўғри йўналтирилган пул маблағлари;
- 4.5.5. Карта сақловчи томонидан шартнома шартларини бузиш натижасида Банкка етказилган зарар миқдори;

- 4.5.6. Картадан ноқонуний фойдаланилган тақдирда Банк томонидан амалга оширилган харажатлар миқдори, бунинг учун Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз (фармойишларсиз) кўрсатилган суммаларни ечиш ҳуқуқини беради.
- 4.6. Карталардан фойдаланиш хавфсизлиги учун Картанинг нотўғри ПИН кодни киритиш чеклови мавжуд. Мижоз нотўғри ПИН-кодни уч мартаба киритган тақдирда Карта блокляниши ва/ёки олиб қўйилиши мумкин. ПИН-код нотўғри киритилган ҳолларда, шу жумладан, Карта сақловчи картани олиб қўйиш ва уни йўқ қилиш ҳолатларда Банк жавобгар эмас.
- 4.7. Учинчи шахсларнинг фирибгар ҳаракатлари натижасида Мижознинг маблағларини йўқотиш хавфини олдини олиш учун Банк жуда хавфли фаолият билан боғлиқ бўлган карта операцияларини блокировка қилиши мумкин. Мижоз Банкка бундай карта операцияларини амалга ошириш имкониятини блокировка қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1. Банк мажбуриятлари**

- 5.1.1. Мижозни банкнинг тарифлари билан таништириш, жумладан тарифларни банк сайтида жойлаштириш орқали таништириш.
- 5.1.2. Ушбу оферта шартларига мувофиқ мижозга карта ва ПИН-конвертни чиқариш ва топшириш.
- 5.1.3. Мижознинг карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғини камайтирадиган транзакцияга, шунингдек кўрсатилган операцияларни амалга ошириш учун банкнинг комиссия тўловига дебетлаш;
- 5.1.4. Карта ҳисоб рақамига кирувчи пул маблағларини ва қайтариладиган тўловлар миқдорини кирим қилиш;
- 5.1.5. Мижознинг аризасига кўра банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ карта ҳисобварағидан кўчирма тақдим этиш;
- 5.1.6. Зудлик билан ва объектив сабабларга кўра бу мумкин бўлмаган ҳолларда, Мижоз томонидан йўқолганлик (ўғирлик ва ҳ. к.) тўғрисидаги ариза тақдим этилгандан сўнг 24 (йигирма тўрт) соат ичида картада хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва уни стоп листига жойлаштириш;
- 5.1.7. Мижозга Банк йўриқномалари ва тарифларида назарда тутилган карта ва ҳисоб-китоб технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;
- 5.1.8. Ушбу шартнома бекор қилинганда, Карта ҳисоб рақамдаги пул маблағлари қолдиғини аввал карта бўйича амалга оширилган операциялар бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилгандан сўнг, Мижозга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда қайтариб бериш.
- 5.1.9. Картани Мижоз томонидан банкдан картани қайта чиқариш тўғрисида ёзма ариза тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни мобайнида қайта расмийлаштириш.

5.1.10. ХТТ карталари бўйича Мижознинг аризасига асосан ва ХТТ қоидаларига мувофиқ, Мижоз томонидан тан олинмаган операциялар бўйича текширув ўтказиш (хусусан, банк-эквайрдан чеклар нусхасини олиш ва иложи бўлса, амалга оширилган Транзакциялар бўйича тафсилотларни олиш). Банк мижоз томонидан тан олинмайдиган Транзакциялар миқдорини қайтариш учун барча оқилона ва қулай чораларни кўради.

## **5.2. Мижоз мажбуриятлари :**

5.2.1. Ушбу шартнома шартларини ва банк йўриқномаларини, валюта амалиётларини амалга оширишда эса-валюта конунчилиги талабларини бажариш;

5.2.2. Карта сақловчига ушбу шартнома шартлари ҳақида маълумот бериш ва Карта сақловчидан уларни бажаришни талаб қилиш.

5.2.3. Масофадан идентификациялаш жараёнини амалга оширишда Банкка тақдим этиш санасига ҳужжат ва маълумотларни амалда бўлган ва аслини тақдим этиш.

5.2.4. Мобил мосламаларни учинчи шахсларнинг фойдаланишига бермаслик ва Мобил мосламадаги маълумотларни сақланилишини таъминлаш;

5.2.5. Ўз вақтида қўйидаги тўловларни амалга ошириш/қоплаш:

- Комиссия тўловлари, Банк Тарифлари томонидан кўзда тутилган бошқа суммалар
- Карта бўйича транзакция қилинган ёки карта реквизитлари орқали ўтказилган суммалар
- Карта ҳисобига ҳато тушган маблағлар;
- ХТТ билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан таъминланмаган картадаги балансни оширадиган операциялар суммаси
- Ушбу шартномани бузган ҳолда амалга оширилган Транзакциялар миқдори, картадан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва картани текшириш қилиш билан боғлиқ зарар тўловлар, шунингдек шартнома шартларини бузган ҳолда ва ҳақиқий харажатларга мувофиқ Мижоздан қарзни ундириш билан боғлиқ суммалар.
- Мазкур шартномани ва Банк йўриқномаларини бузиш билан боғлиқ банк зарарлари ва харажатлари.

5.2.6. Карта сақловчи бўлмаган учинчи шахсларга Карта, карта реквизитлари ва ПИН-код ва Калит сўзини бермаслик ва ошкор этмаслик. Картани ва картадаги пул маблағларининг сақланишини таъминлаш, шунингдек зарарни олдини олиш, Картани йўқотиш ёки ундан ноқонуний фойдаланиш бўйича барча чораларни кўриш.

5.2.7. Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар, шу жумладан Мижознинг билими ёки билимсиз учинчи шахслар томонидан амалга оширилган операциялар, шунингдек, ХТТ қоидаларига мувофиқ Авторизациясиз амалга оширилиши мумкин бўлган операциялар учун жавобгар бўлиш.

5.2.8. Карта орқали операцияларни фаол қолдиқ доирасида амалга ошириш.

5.2.9. ХТТ картасида ортиқча қарзнинг пайдо бўлишини назорат қилиш ва унинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Агар қарз шакллантирилса, яъни ушбу карта бўйича Карта ҳисобрақамидан ортиқча суммадаги операцияларни амалга оширилса (пул маблағлари ортиқча харажат қилинса), (шу жумладан, операция Авторизациясиз амалга оширилган бўлса), барча қарздорлик суммасини у юзага келган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлиқ қоплаш.

5.2.10. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки яшаш манзили ўзгарганлиги ҳақида хабарни Банкка ушбу ўзгаришлар юз берган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида бериш ва юқорида кўрсатилган ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш.

5.2.11. Банкка Картани топширилгандан кейин ёки унинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, шунингдек йўқолган деб кўрсатилган Картадан унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширмаслик.

- 5.2.12. Карта бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун карта/карта реквизитлари йўқолганда, ўғирланганда ва/ёки ноқонуний фойдаланилганда, карта эгаси уни дарҳол банкка маълум қилиш.
- 5.2.13. Агар илгари йўқолган деб эълон қилинган Карта топилса/аниқланса, Мижоз / Карта сакловчи Банкни дарҳол хабардор қилиши ва кейинчалик уни очиш ёки йўқ қилиш учун Картани Банкка қайтариши керак.
- 5.2.14. Ушбу шартнома бекор қилинган ёки банкнинг ёзма талаби олинган ёки Картанинг амал қилиш муддати 5 кун ичида тугаган тақдирда картани банкка иш ҳолатида қайтариб бериш ва картани ёпиш. Картани йўқотиш (ўғирлатиш ва ҳ. к.) туфайли қайтариш имкони бўлмаган тақдирда, банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссияни тўлаш;
- 5.2.15. Банкка Картани амал қилиш муддати тугаганидан кейин 5 кун ичида уни қайтариб бериш ва/ёки Картани қайтариш тўғрисидаги Банкнинг ёзма талабини қабул қилиш (уларни йўқотиш ҳолларидан ташқари).
- 5.2.16. Мижозга СКК (савдо нуқтаси) томонидан тўланган карта билан сотиб олиш миқдори қайтарилган тақдирда, савдо нуқтасидан нақд пул билан қайтаришни талаб қилмаслик. Кўрсатилган тўлов фақат нақд пулсиз тарзда Карта ҳисоб рақамига амалга оширилиши мумкин.
- 5.2.17. Банкка ушбу шартнома шартларига мувофиқ Банк томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни унинг талабига биноан тақдим этиш.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **6.1. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 6.1.1. Бир томонлама Банк Йўриқномаларини ўзгартириш ;
- 6.1.2. Зарур бўлганда, Картани Банкка тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек, Мижоздан уни камида 3 (уч) кун олдин олдин хабардор қилган ҳолда олиб қўйиш;
- 6.1.3. Қўйидаги ҳолларда Картани, транзакцияларни вақтинча блоклаш ва Мижознинг операцияларини тўхтатиб туриш:
- 6.1.3.1. Агар бунга Банк томонидан белгиланган шаклда Мижознинг топшириғи берилган бўлса;
- 6.1.3.2. Агар Мижоз томонидан ушбу шартнома шартлари ёки банк йўриқномалари бузилган бўлса.
- 6.1.3.3. Банкнинг йўриқномалари, ХТТ қоидалари ва амалдаги қонунчилик талабларида кўзда тутилган шубҳали ва гумонли операциялар Мижоз томонидан амалга оширилганда ёки лозим даражада текширувни амалга ошириш мақсадида Банк томонидан сўралган ҳужжатларни тақдим этмаганда ёки атайлаб нотўғри ҳужжатларни тақдим этганда.
- 6.1.3.4. Учинчи уринишда нотўғри ПИН-кодни киритиш. Шу билан бирга, Банк картани блоклайди ва операция ўтказиладиган ХТТ иштирокчи-банкка картани олиб қўйиш (ушлаб туриш) зарурлиги тўғрисида электрон хабар юборади;

- 6.1.3.5. ХТТ картасидан картадан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек банк ва / ёки Мижозга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа асослар мавжуд бўлганда;
- 6.1.3.6. Банкка амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари талаблари тушган тақдирда.
- 6.1.4. Агар шубхали операция белгилари аниқланса, Мижоз Битимларнинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бергунга қадар Карта ҳисобварағи ёки Карта очиш операциясини тўхтатиб туриш ёки Операцияни амалга оширишни рад этишга;
- 6.1.5. Мижозни ушбу шартномада кўрсатилган жой бўйича ўрганиш, шу жумладан, агар операцияни ўтказишда шубхалар мавжуд бўлган ҳолларда Мижоз томонидан тўғридан-тўғри транзакцияни амалга ошириш жараёнини ўрганиш;
- 6.1.6. Агар транзакциялар жинойтдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий киргин қуролларини тарқатишни молиялаштириш учун ишлатилишига асосли шубхалар мавжуд бўлса, ушбу шартномани бекор қилишга;
- 6.1.7. Мижоздан Карта сақловчи томонидан ушбу шартнома шартларини ёки банк йўриқномаларини бузиш билан боғлиқ қарздор сумма ва харажатларни Банкка тўлашни талаб қилиш.
- 6.1.8. Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда:
- 6.1.8.1. Картани олиш ва шартномани бажариш вақтида тақдим этиладиган ҳужжатларда Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ва тўлиқлигини текшириш. Келишмовчиликлар ва нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, мижоз картани чиқариш ёки унинг талабларини қондиришдан бош тортиши керак.
- 6.1.8.2. Мижознинг Карта ҳисоб рақамидан ушбу шартноманинг 4.5-бандига мувофиқ пул маблағларини акцептсиз тартибда (мижознинг қўшимча розилигисиз) ечиб олиш.
- 6.1.8.3. Карта ҳисоб рақамига ўтказиш ва/ёки Ккарта ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиб олиш бўйича нотўғри ёзув аниқланган тақдирда, Мижознинг ёзма розилигини олмасдан, Карта ҳисоб рақамига ўтказиш ва/ёки белгиланган тартибда Карта ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиб олиш йўли билан тегишли тузатиш амалга оширилади.
- 6.1.8.4. ХТТ карталари билан амалга оширилган баҳсли Транзакциялар бўйича Мижоздан ушбу операциялар аризаларини кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ва улардан нусха олиш. Холис маълумотларни олиш мақсадида ХТТга банк-эквайердан тасдиқловчи ҳужжатларни олиш бўйича мурожаат қилиш. Агар банк-эквайер баҳсли операцияларнинг асослилигини ҳужжат билан тасдиқласа, тасдиқловчи ҳужжатларни олиш билан боғлиқ харажатлар Мижоз ҳисобидан олинади.
- 6.1.8.5. Мижоз томонидан кўрсатилган телефон рақамига SMS юбориш орқали ёки электрон почтага Мижозга хабарнома (талаблар) юбориш.
- 6.1.8.6. Карта сақловчи томонидан олинмаган Картани чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида йўқ қилиш.

6.1.8.7. Агар Мижоз норезидент булса, Банк, операцияни урганиш мақсадида қушимча маълумотларини сураш, операция лимитларини белгилаш, санкция таъсир доирасига тушганда еки тушиш хавфи мавжуд булганда, операцияни рад этиш еки амалга ошираётган операциялар миждознинг анкета профилига номувофик булган холларда хизмат курсатишни рад этиш ва Мижоз билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## **6.2. Мижоз ҳуқуқлари :**

6.2.1. Ушбу шартномада назарда тутилган 3.6 ва 3.7-бандида, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини, шунингдек шартнома шартларини ҳисобга олган ҳолда Фаол қолдиқ суммасида операцияларни амалга ошириш учун картадан фойдаланиш.

6.2.2. Карта ҳисобида пул маблағлари қолдиғини тўлдириш;

6.2.3. Картани олишда ПИН-кодни мустақил равишда ўзгартириш;

6.2.4. Картадаги операциялар ва Карта ҳисоб рақамининг ҳолати ҳақида маълумот олиш шу билан бирга Карта сақловчи банкка шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Карта сақловчи Банкдан миждознинг карта ҳисоби, транзакциялар амалга оширилган карта ҳисобварағи қолдиғи ҳақида маълумот олиш учун ўз номидан ёки Мижоз номидан банкка мурожаат қилишга ҳақли эмас.

6.2.5. Ўзи рози бўлмаган Карта бўйича амалга оширилган транзакцияга, шунингдек, ушбу транзакция миқдорини қайтариш бўйича текширув ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Банкка мурожаат қилиш. Шу билан бирга, миждоз ушбу терговни ўтказиш ва транзакциялар миқдорини қайтариш билан боғлиқ барча харажатларни банкка қайтариш мажбуриятини олади.

6.2.6. Карта амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Карта йўқолганда/ўғирланганда, карта механик шикастланганда ёки Карта сақловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгариши муносабати билан Банкка картани қайта чиқариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш. Қайта чиқарилган карталар банкка қайтарилади (уларнинг йўқолиши холларидан ташқари) ва блокланади.

6.2.7. Карталар (уларнинг йўқолиши холларидан ташқари) қайтарилиши ва банк билан ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилиши шarti билан Банкка тегишли аризани топшириш йўли билан шартномани бекор қилиш санасидан 30 календарь кундан кечиктирмай шартнома бекор қилинади. Кўрсатилган ариза олинган кундан бошлаб Банк Картани блоклайди.

6.2.8. Карта сақловчи амалга оширилган операциялар бўйича СКК маълумот олинган пайтгача Банкдан тўловни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас

## **6. 3. Мазкур Шартнома бўйича Карта сақловчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

6.3.1. Ушбу шартномада кўрсатилган операцияларни бажариш учун Картадан фойдаланиш.

6.3.2. Банкоматлар ва банк кассалари орқали нақд пул олиш.

6.3.3. Банк кассаси орқали Карта ҳисоб рақамини нақд пул билан тўлдириш.

## **7 ТОМОНЛАР МАСЪУЛИЯТИ**

- 7.1. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.
- 7.2. Мижоз шартномада назарда тутилган ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги учун банкка тақдим этилаётган барча ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.
- 7.3. Мижоз банкдан олинган вақтдан бошлаб Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар учун жавобгардир. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилиги билан танишганини тасдиқлайди ва кафолатлайди, Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишда унга риоя этилишини таъминлаш мажбуриятини олади. Карта сақловчи томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида банкка етказилган зарар Мижоз томонидан сўзсиз қопланиши керак.
- 7.4. Банк картани ўз вақтида блокировка қилиш учун жавобгардир.
- 7.5. Банк карта ҳисоби билан операциялар бўйича банк сирини сақлаш учун жавобгардир. Карта ҳисоб рақами ва операциялар тўғрисидаги маълумотлар Банк томонидан учинчи шахсларга фақатгина қуйидаги ҳолларда ошкор қилиниши мумкин:
  - бундай маълумотларни ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банкнинг мажбурияти бўлганда;
  - Мижоз розилиги билан бошқа ҳолатларда.
- 7.6. Агар Мижоз Банкка зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса ва/ёки ҳужжатларда ноаниқлик ва хатоларга йўл қўйилган бўлса, Банк картани чиқариш ва қайта чиқаришдаги кечикиш, шунингдек, Мижознинг Карта ҳисоб рақамига маблағларни туширишдаги кечикиш учун жавобгар бўлмайди.
- 7.7. Банк СКК ёки унинг бошқа иштирокчилари тарафидаги техник носозликлар оқибатида юзага келган Мижознинг зарарлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.8. Банк Мижознинг пул маблағларини олувчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва Мижозни нотўғри (чалғитиш) билан қабул қилиш натижасида кўрган зарарлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.9. Карта сақловчи ушбу шартнома шартларини бажармаган ҳолларда, шунингдек банк назорати доирасидан ташқарида бўлган ҳолларда банк жавобгар бўлмайди.
- 7.10. Карта йўқотилганлиги (ўғирланганлиги ва х.к) тўғрисида ариза берган вақтдан бошлаб 24 (йигирма тўрт) соат ичида учинчи шахс томонидан картадан фойдаланган ҳолда ҳар қандай Карта сақловчининг молиявий йўқотиш учун Банк жавобгар эмас.
- 7.11. Ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик уни бекор қилиш учун асос бўлади, шу билан бирга бекор қилиш вақти томонлар ўртасида алоҳида тартибда белгиланади.
- 7.12. Агар тарафлардан бири ушбу шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузса, иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.
- 7.13. Банк учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган, фойдаланиладиган ва/ёки хизмат

кўрсатадиган асбоб-ускуналар, электр таъминоти тизимлари ва/ёки алоқа линиялари ёки тармоқлар билан боғлиқ ҳар қандай хизматдаги узилишлар учун жавобгар эмас.

## **8. МАҲФИЙЛИК**

- 8.1. Карта сақловчиси ушбу шартнома бўйича ахборотнинг махфийлигини таъминлаш учун Банк билан баробар жавобгардир.
- 8.2. Ушбу шартнома предмети билан боғлиқ Банк ва Карта сақловчи томонидан бир-бирига тақдим этилган маълумотлар махфий ҳисобланади. Томонлар олинган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинишини олдини олиш учун барча зарур ва этарли чораларни кўради

## **9. ФОРС-МАЖОР**

- 9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар, агар бу бажарилмаганлиги давлат бошқаруви ва назорати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан: уруш, зилзила, ёнғин, қоралаш, эпидемия, табиий ёки бошқа офатлар (техника рад этилиши, дастурий таъминот етишмаслиги, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларидаги уларнинг айби билан вужудга келмаган, лекин улар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришга таъсир этувчи узилишлар), томонлар уларнинг юзага келиши учун таъсир ўтказа олмайди ва жавобгар бўлмайди, шунингдек, агар бу факт ваколатли давлат органлари томонидан ҳужжатлаштирилган бўлса. Томонлар зудлик билан ёзма равишда бундай ҳолатларнинг бошланиши ва тугаши ҳақида ёзма равишда хабар беришлари шарт.
- 9.2. Юзага келган, куч билан бартараф этилмайдиган вазият қонун билан белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганда, форс-мажор ҳисобланади.

## **10. Мазкур Шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

- 10.1. Ушбу шартнома Мижоз томонидан акцептланган пайтдан имзоланган ва тузилган ҳисобланади ва муддатсиз амал қилади.
- 10.2. Шартномага банк сайтида эълон қилинганидан кейин кучга кирадиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиши мумкин.
- 10.3. Ушбу шартнома Мижоз томонидан ушбу шартноманинг 12.4-бандида назарда тутилган тартибда, шунингдек, Мижознинг ёзма аризаси билан бекор қилиниши мумкин:

\* Карта Карта сақловчи томонидан Банкка хизматга яроқли холда қайтарилган;

\* Карта сақловчи барча мажбуриятларни бажарган ва ушбу шартнома бўйича Банкка қарздор эмас,

- 10.4. Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилган тақдирда, Банк Мижоз ва Карта сақловчи номига берилган Карталарни/Кўшимча карталарни фаолиятини тўхтатади (карталарни блоклайди) ва/ёки Карталарни/Кўшимча карталарни йўқ қилади.

10.5. ХТТ карталарида ҳисобга олинган пул маблағлари қолдиғини қайтариш куйидаги тартибда амалга оширилади:

\* Пасайтирилмайдиган қолдиғидан ошган пул миқдори Мижозга Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза берилган ва Картани Банкка қайтариш куни қайтарилади;

\* Карта банкка қайтарилганидан кейин 30 (ўттиз) календарь кун ўтгач ва Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза топширилгандан сўнг, Пасайтирилмайдиган қолдиқ миқдори Мижозга қайтарилади;

\* Картани Банкка қайтармаган тақдирда, Мижоз томонидан Картани/ Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун ариза топширилган куни Банк Картани блоклайди ва Карта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари қолдиғи Мижоз томонидан картани ёпиш учун ариза топширилгандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ўтгач Мижозга қайтарилади.

10.6. Шартнома Банк томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин ва Карта ҳисоб рақами куйидаги ҳолларда ёпилади:

\* Ушбу шартнома доирасида чиқарилган барча Карталар Банк томонидан йўқ қилинганда/ бекор қилинганда);

\* Шартнома шартлари, ХТТ қоидалари, ЎзР қонун ҳужжатлари талаблари Карта сақловчи томонидан бузилганда, шартнома бекор қилиш санада Мижознинг тўланмаган мажбуриятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;

\*Агар банк томонидан, банк хизматларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишда асосли шубҳа мавжуд бўлса;

Банк шартномани бекор қилиш ниятида Мижозга хабарнома юборади.

10.7. Шартномани бекор қилиш, карталарни ёпиш 30 (ўттиз) календарь кундан сўнг амалга оширилади:

\* Шартнома доирасида берилган барча карталар амал қилиш муддати тугаган санадан бошлаб;

\* Банк томонидан Банк хизматларидан жиноятларидан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланишда асосли шубҳалар мавжуд бўлса.

Шартнома доирасида берилган барча карталар бекор қилинган ёки тўхтатилган санадан бошлаб.

10.8. Шартнома бекор қилингандан сўнг, Карта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари Банк томонидан Мижоз ҳисоб рақамига, ХТТ карталари бўйича эса шартнома 10.5-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ёхуд Мижозга нақд пулда тўланади.

10.9. Шартномани бекор қилиш Карта ҳисоб рақамини ёпиш учун асос бўлади.

10.10. Ушбу шартнома бекор қилинганда Картани чиқариш учун тўлов, транзакцияларни қайта ишлаш учун комиссия мукофоти ва банк тарифларига мувофиқ бошқа тўловлар Карта сақловчига қайтарилмайди

## **11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

11.1. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажариш жараёнида юзага келадиган барча низоларни ўзаро мақбул ечим топиш мақсадида музокаралар йўли билан дастлабки тартибда кўриб чиқадилар.

11.2. Агар келишувга эришилмаган бўлса, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суд органларига кўриб чиқиш учун берилади

## **12. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР**

12.1. Мазкур Офертани акцептлаб, Мижоз банк тарифлари билан танишганлигини тасдиқлайди.

12.2. Шартномада тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

12.3. Банкнинг билдиришномалари (хабарномалар) омонатчига шахсан, қоғода ёзма шаклда топширилиши ёки почта ёки электрон алоқа (электрон почта манзилига хабарлар, мобил телефонга СМС хабарлар) ва бошқа алоқа каналлари орқали хабар шаклида юборилиши мумкин.

12.4. Ушбу билан омонатчи ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга ўз розилигини билдиради. Розилик томонларнинг мажбуриятлари тугатилганга қадар ёхуд шахсий маълумотларни сақлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари тугагунига қадар амал қилади. Розилик исталган вақтда ёзма ариза асосида чақириб олиниши мумкин.

12.5. Ушбу билан Мижоз ҳисобдаги пул маблағлари қолдиғи бўлмаган ва 6 (олти) ой мобайнида ҳисоб бўйича операциялар бажарилмаган тақдирда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан банкка мурожаат қилади. Шунингдек, Мижоз банкка ҳисоб рақамни ёпишга топшириқ беради. Мижоз ва Банк шартноманинг ушбу бандини ЎзР ФКнинг 788-моддаси 1-бандига мувофиқ ҳисоб рақамни ёпиш учун ариза сифатида қабул қилади

## **13. Банк Реквизитлари**

Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси, 2 уй  
р/с:29802000700000980110, МФО: 00980 СТИР: 203644820, ОКЭД: 64190

Тел.: +998 71 202-33-33